Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
31 март
ШАНБА
№ 27
(11.934)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**29 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси очилди.**
**Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.**

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Қонунчилик палатасига лойиҳалари киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунини ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, шунингдек "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар.

Шу нарса алоҳида таъкидландики, мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши демократикислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш зарурияти, мамлакатимизнинг давлат ва ижтимоий турмушида сиёсий партияларнинг роли ҳамда ўрнини кучайтиришга қаратилган азму қарор тақозоси эди.

Ана шу қонунлар лойиҳа тарзида кенг кўламдаги умумхалқ муҳокамасидан ўтди. Мамлакатимизнинг турли минтақаларида фақатгина сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокида 300 дан ортиқ конференция, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Уларда мазкур қонунлар сиёсий партияларга ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсир ўтказиш, давлат бошқарувини янгилашда, мамлакатни янада демократлаштиришда фаол тарзда иштирок этиш учун улкан имкониятлар яратиб беради, деб таъкидланди.

Қонун лойиҳалари кенг доирадаги чет эллик обрўбрў экспертлар, сиёсатшунослар, олимлар ва журналистларда катта қизиқиш уйғотди, улар бу қонунлар умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига батамом жавоб беришини ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янги босқичга кўтариш имконини беришини таъкидлаб ўтдилар.

Сенат мажлисида сўзга чиққанлар томонидан шу нарса таъкидландики, мазкур қонунлар ҳокимият вакиллик ҳамда ижро этувчи тармоқлари органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг амалий иштирокини, ўзаро бир-бирини тийиш ва мувозанатни сақлаш тизими чинакамига фаолият кўрсатишини, парламент фаолияти янада демократлашиб боришини таъминловчи самарали ҳуқуқий механизмларни яратади ҳамда аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражаси ошишига кўмак беради.

Юқорида айтиб ўтилган қонунларнинг қабул қилиниши ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг давоми, мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини босқичма-босқич тадрижий ривожлантиришнинг натижаси, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ташланган муҳим қадам бўлиб қолади, бутун сиёсий тизимга, давлат қурилиши тизимига, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш жараёнларига чуқур таъсир ўтказади. Сенаторлар ушбу қонунларни маъқулладилар.

Шундан сўнг "Ипотека тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун кўриб чиқилди. Сенаторлар бу ҳуқуқий ҳужжатнинг аҳамиятига урғу берар эканлар, киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида Фуқаролик кодекси гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қаноатлантиришга асосланган янги тартиб билан кенгаяётганлигини таъкидладилар. "Гаров тўғрисида"ги ҳамда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунларга киритилаётган ўзгартишларда ипотекали кредитлаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш мужассам топган. Ипотека соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг такомиллаштирилиши эса аҳолига уй-жой олиши учун узоқ муддатли мақбул кредитлар бериш кўламларини кенгайтириш имкониятларини яратишга қаратилган бўлиб, у бир қанча ижтимоий-иқтисодий вазифалар ечим топишига олиб келади, энг аввало уй-жой шароитини яхшилашнинг амалий омилларини таъминлаш йўли билан фуқароларнинг турмуш даражасини оширади.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги 2006 йил 24 майда қабул қилинган қарорини бажариш юзасидан тайёрланган "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241¹-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонунни ҳам кўриб чиқдилар.

Мазкур Қонун тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилганлиги айтиб ўтилди. Жумладан, унда тадбиркорлик фаолияти субъектини давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши, шунингдек давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартиби асосий принципларини қонунчилик даражасида жорий этиш назарда тутилган. Қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолияти субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун қўшимча шароитлар яратади.

"Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди. Бунда Оила кодекси 49-моддасининг янги таҳрири никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ ишларни судларда ҳал қилиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади дея қайд этилди. Оила қуришнинг мана шу ва бошқа нозик жиҳатларини ҳисобга олиб, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларидаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида мазкур ҳуқуқий ҳужжатга киритилаётган ўзгартишлар никоҳланувчи шахслардан бири ўзида таносил касаллиги ёки одам иммунитети танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганлиги суд томонидан никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлишини аниқлаштириб қўймоқда. Қонун оилани мустаҳкамлашга ёрдам беради.

(Давоми 2-бетда).



### Таълим

## ЧИНОЗЛИК ЎҚУВЧИЛАРГА ТУҲФА

**«2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий Дастури»нинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида шаҳар ва қишлоқлардаги таълим муассасалари бир-биридан кўркам қиёфа касб этиши билан бир қаторда, янги, замонавий ўқув масканлари ёшлар ихтиёрига топширилмоқда.**

Хусусан, Чиноз туманидаги 15-мактаб учун 315 ўринли янги бино қурилиши бошлаб юборилди. «Эрта» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари мазкур қурилишни 1 августга қадар якунлашга аҳд қилганлар. Умумий лойиҳа қиймати 720 миллион сўмлик бўлган мактаб қурилишида ҳозир 3 сменада иш бормоқда. Ҳозирги кунгача бу ерда 300 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Худди шунингдек, тумандаги 41-мактаб ўқувчилари учун қўшимча 140 ўринли ўқув биноси бунёд этилди. 33-ҳудудий механизациялашган колонна қурувчилари ҳозир муассасада сўнгги пардозлаш ишларини якунламоқдалар. Бино фойдаланишга топширилгач, мактаб ўқувчиларининг таълим олишлари учун қўшимча қулайликлар юзага келиб, ўқув сифати ва самарадорлиги янада яхшиланади.

Мазкур жамоа қурувчилари 34-мактабда ҳам капитал реконструкция ишларини олиб бораётирлар. Лойиҳа доирасида мактаб учун 210 ўринли янги бино ҳам қурилмоқда.

— Бу ерда 270 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш кўзда тутилган, — дейди вилоят архитектура-қурилиш назорат инспекциясининг ҳудудий нозири Рустам Бобоев. — Асосий эътибор, қурилишни вақтида ниҳоясига етказиш билан бирга, иш сифатини таъминлашга қаратилаяпти.

Ҳисоб-китобларга кўра ушбу муассаса шу йилнинг июль ойигача тўлиқ капитал реконструкциядан чиқарилади.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

СУРАТДА: қурувчи Зариф Пардаев иш устида.
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

**Ўртачирчиқ туманида Халқ-демократик партияси бошланғич ташкилотлари етакчилари ва фаолларининг давра суҳбати ўтказилди.**

## ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

Вилоят партия кенгашининг сиёсий таълим маркази ташкил этган бу тадбирда тадбиркорлар, фермерлар, матбуот ходимлари ҳам иштирок этишди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси Хайрулла Иброҳимовнинг давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш масалаларига бағишланган маърузасини иштирокчилар алоҳида қизиқиш билан тинглашди. Ноанъанавий бу учрашувда асосий эътибор партия аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириш, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш масалаларига қаратилди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

## ЎЗБЕК МАДАНИЯТИ НАМОЙИШИ

**Юртимизда Наврўз тантаналари давом этаётган шу кунларда Париж шаҳри жамоатчилиги «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг Европадаги илк ваколатхонаси очилиши ва ЮНЕСКО билан «Англашув меморандуми» имзоланишига бағишланган нуфузли тадбирнинг гувоҳи бўлди.**

Ўзбекистонлик етакчи либос дизайнерлари ва санъаткорлар иштирокидаги ранг-баранг шоу-дастур жаҳонга машҳур Лувр музейининг муҳташам залларидан бири — «Carrousel du Louyre»да, «Ўзбек фотосанъатининг 125 йиллиги» деб номланган ноёб кўргазма эса, Франция Сенатининг Люксембург саройида намойиш этилди.

Тантанали маросимларда Франциянинг кўзга кўринган давлат ва жамоат арбоблари, маданият ва санъат намоёндалари, таниқли олимлар, дипломат ва журналистлар иштирок этдилар.

Сенатор Аймери де Монтескьюнинг таъкидлашича, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг Парижда ташкил этган ушбу маданий тадбирлари кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Жамғарманинг Францияда ваколатхонаси очилганлиги эса европаликлар учун Ўзбекистон тарихи ва маданияти билан танишиш йўлида янги имкониятлар яратди.

Франция Сенати жойлашган Люксембург саройида «Ўзбек фотосанъатининг 125 йиллиги» фотокўргазмасининг очилиш маросими ҳам тантанали маданий тадбирга айланди. Ушбу кўргазма бир неча кундан сўнг Сенатдан Парижнинг биринчи райони мэрияси жойлашган бинога кўчирилиб, у ерда 6 апрелга қадар давом эттирилади.

ЮНЕСКО бош директорининг ўринбосари Марсио Барбоза шундай ноёб ва фойдали кўргазмани ташкил этганлиги учун жамғармага миннатдорчилик билдириб, намойишга қўйилган фотосуратларнинг бетакрор эканлигини алоҳида таъкидлади. Унинг фикрига кўра, айнан шундай тадбирлар европаликларни доим ҳайратга солиб келган ўзбек маданияти ва тарихи билан яқиндан танишиш имкониятини беради. «Биринчи кунданоқ ушбу кўргазма катта муваффақият қозонди, — деди М. Барбоза. — Шахсан мен ўзим ҳам шу кўргазма шарофати билан Ўзбекистон тарихининг кўпгина янги саҳифаларини кашф этдим».

Таъкидлаш жоизки, «Ўзбек фотосанъатининг 125 йиллиги» кўргазмаси ва шу номли антологиянинг чоп этилиши «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг энг омадли халқаро лойиҳаларидан бири бўлиб, шу пайтгача у Хитой, Япония, Германия, Люксембург, Бельгия, Россия ва Украинада намойиш этилганди.

Бугунги кунда жамғарманинг ваколатхоналари Москва, Пекин ва Токио шаҳарларида фаолият юритмоқда. Унинг Францияда ҳам идораси очилганлиги нафақат ташкилот ҳаёти учун, балки Ўзбекистон ва Европа давлатлари ўртасида маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида муҳим воқеа бўлди.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ●

## ТАДБИРКОР ТАШАББУСИ

Оҳангарон туманидаги Увак қишлоқ фуқаролар йиғини марказида тадбиркор Анвархон Неъматуллаевнинг саъй-ҳаракати билан «Энергия» кичик корхонаси ташкил этилди. Бу ерда иш бошлаган чорвачилик фермаси, омухта ем тайёрлаш цехи ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналарини таъмирлаш устахонасига жами 20 нафарга яқин маҳаллий аҳоли ишга қабул қилинди.

Иқтисодий ривожланаётган корхона қишлоқдаги кам таъминланган оилаларга, мактаб ва болалар боғчасига моддий ёрдам кўрсатмоқда. Тадбиркор Наврўз айёми муносабати билан қишлоқ аҳли учун байрам дастурхони ёзди ҳамда фахрийларга, кам таъминланган оилаларга совғалар улашди.

**Феруза ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲА

«Ўзнефтлойиҳа» институти «Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси» очиқ акциядорлик жамиятидаги 6-, 7-блокларни қайта таъмирлаш лойиҳасини ишлаб чиқди.

— Мақсад — станциянинг қувватини янада ошириш, — дейди корхона директори Александр Абидов. — Ўтган йили режадагидан 500 миллион киловатт соат кўп электр энергияси ишлаб чиқарилди. Бу йил якунига бориб қўшимча электр қувватини янада ошириш кўзда тутилган.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

**Пойтахтимизда LG Electronics компаниясининг (Корея Республикаси) Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган "LG Grant-2007" танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

## ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

2003 йилдан буён ўтказиб келинаётган "LG Grant" ижтимоий дастурининг асосий мақсади – олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшларнинг илмий-ижодий изланишларини рағбатлантириш, истеъдодли талабаларнинг ғайрат-шижоатини қўллаб-қувватлаш, қобилиятини юзага чиқариш каби эзгу ишларга ҳисса қўшишдан иборат. Танлов иқтисодиёт, тиббиёт, журналистика, филология, муҳандислик, ахборот технологиялари каби йўналишларда ўтказилади.

"LG Grant" танловида олий таълим муассасаларида шартнома асосида таҳсил олаётган икки юздан зиёд талаба қатнашади. Ғолиб чиққан ўн нафар талаба пул мукофоти билан тақдирланади. Бу маблағ уларнинг бир йиллик таълими харажатларини қоплаш учун тегишли олий ўқув юрти ҳисоб рақамига ўтказилади. Бу йил ҳам Тошкент ва Самарқанддаги олий ўқув юртларида билим олаётган истеъдодли ўн талаба "LG Grant" танловининг совриндори бўлди.

– Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик ҳар жабҳада, шу жумладан, таълим соҳасида ҳам йил сайин ривожланиб бормоқда, – деди LG Electronics компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Ким Жонг Кван.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

### Учрашув

## ШАРОИТ БОР ЖОЙДА САМАРА БЎЛАДИ

**Давлатимиз раҳбарининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори мазкур жабҳада амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифаларни юқори босқичга кўтарди. Эндиликда жойлардаги маънавият тарғибот марказлари ҳам тубдан ислоҳ қилиниб, улар фаолияти самарадорлигини ошириш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.**

Буни республика Маънавият тарғибот марказининг Қуйичирчиқ тумани бўлими мисолида ҳам кўриш мумкин. Айтиш жоизки, бугунги кунда бўлим фаолияти ҳар томонлама ўрнак бўла олади. Бу ердаги махсус маънавият хонаси замонавий мебель ва техник анжомлар билан тўлиқ жиҳозланган, илмий-услубий рисолалар, кўргазмали воситалар етарли.

Яқинда вилоятимиз туман ва шаҳарларида иш олиб бораётган маънавият тарғибот бўлимлари раҳбарлари, олим ва мутахассисларнинг бир гуруҳи марказнинг туман бўлими иш фаолиятини оммалаштириш, тажриба алмашиш мақсадида Қуйичирчиқда бўлдилар. Маънавият жонкуярлари билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида сўзга чиққан республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий масалалар бўйича ёрдамчиси Раҳматилла Шералиев ва бошқалар халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлар кучайиб бораётган бир пайтда маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ҳамиша замон талаблари даражасида бўлиши, айниқса, ёшлар онгу тафаккурини ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш зарурлигини ҳаётий мисоллар асосида таъкидлаб ўтдилар.





СУРАТЛАРДА: учрашув-мулоқотдан лавҳалар.
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

Шу учрашув доирасида буюк ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган маърифий кеча ҳам бўлиб ўтди. Йиғилганлар адиб ҳаёти ва ижодига оид ибратли хотиралар, замондошлар ёдномаларидан сўзлаб бердилар.

Самимий руҳда ўтган тадбир ҳозирги замон адабиёти, хусусан шеърият мавзулари, шунингдек, ёшларнинг китобхонлиги, даврий матбуот нашрларига бўлган муносабат теварагидаги қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 28 февралда қабул қилинган "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини бажариш тақозоси билан шакл топган "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун кўрилаётганда унинг йўловчилар ташиш хавфсизлигини янада пухтароқ таъминлашга ҳамда Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги қонуннинг баъзи моддаларига киритилаётган ўзгартишлар бу соҳадаги ҳуқуқий муносабатлар янада мукаммаллик касб этишига ёрдам беради.

Шундан кейин сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, шунингдек "Бюджет тизими тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунларни кўриб чиқдилар. Уларнинг биринчиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини бажариш юзасидан тайёрланганлиги қайд этиб ўтилди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ўзи ўтказган текширишлар натижалари бўйича чиқарган кўрсатмаларни бажаришдан бош тортганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик учун жавобгарлик чорасини назарда тутувчи $215^2$-модда билан тўлдирилди. Иккинчи қонундаги аниқлаштириш хусусиятига эга бўлган ўзгартиш ва қўшимчаларда Ҳисоб палатасининг Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари оқилона фойдаланилиши устидан молиявий назоратни таъминловчи юқори орган сифатидаги фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштиришга, барча даражадаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш ҳамда қабул қилишда мазкур палатанинг ролини оширишга доир ҳуқуқий чоралар ҳам назарда тутилмоқда.

Юқори палата аъзолари шундан кейин "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги қонунни кўриб чиқдилар. Сўзга чиққанлар ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йод етишмаслигига барҳам бериш ҳамда йод етишмаслиги касалликлари келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида қабул қилинганлигини айтиб ўтдилар. Қонунда йод етишмаслиги касалликларининг ҳам оммавий тарздаги, ҳам якка тартибдаги профилактикасини тузни ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш, дори воситаларидан фойдаланиш йўли билан амалга ошириш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари Қонунда йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлиги устидан давлат назорати, йод етишмаслиги касалликлари билан хасталаниш ҳолати ва бундай касалликлар профилактикасига доир чораларнинг самарадорлиги устидан назорат ҳамда мониторинг олиб борилиши белгиланмоқда.

Сўнгра Олий Мажлис юқори палатаси аъзолари "Ҳомийлик тўғрисида"ги қонунни кўриб чиқдилар. Шу аснода таъкидландики, мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 январда қабул қилинган "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тайёрланган бўлиб, ҳомийлик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш асосларини белгилашга қаратилгандир. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда ҳомийликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари, мамлакатимиз ҳудудида ҳомийлик фаолиятини кенг оммалаштириш ва ривожлантиришни кўзлаб ҳомийлик ташкилотларини ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш хусусиятлари белгилаб берилмоқда. Қонун ҳомийлик фаолияти тизими ривожини таъминловчи зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар, иқтисодий ва молиявий механизмлар яратади. Бу эса Ўзбекистон халқининг табиатига хос меҳр ва раҳм-шафқат, мурувват, муҳтожларга ҳамиша ёрдам қўлини чўзиш сингари миллий фазилатлар кенг намоён бўлиши йўлида янги-дан-янги имкониятлар очади.

Шундан кейин "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун кўриб чиқилди. Сенаторлар ўз сўзларида бу Қонун рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарликни кучайтиришга қаратилганлигини таъкидладилар. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини мамлакатимиз сарҳадларидан ташқарига ғайриқонуний тарзда олиб чиқиш йўлидаги кўплаб уринишларнинг пайини қирқиш, рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини йиғиш, тайёрлаш, қайта ишлашнинг белгиланган тартибига риоя этилишини таъминлаши лозим бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш йўли билан бу соҳада қонунийликни реал тарзда мустаҳкамлашга ёрдам беради.

"Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни айрим моддаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида"ги қонун ҳам Олий Мажлис юқори палатаси аъзолари томонидан кўриб чиқилди. Шунга алоҳида урғу бериб айтилдики, бу Қонун аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш ҳамда мазкур тизимда юридик ва жисмоний шахсларнинг депозит ҳисобварақларидаги омонатлари ҳажми барқарор ўсишини таъминлаш, ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган.

Кўриб чиқилган қонунлар Сенат томонидан маъқулланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўққизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.**

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиб, ўз ишини якунланди.

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

# МАТБУОТДА – АЁЛ МАВЗУСИ

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтган конференция матбуотда аёл мавзуси қай даражада ёритилаётгани масаласига бағишланди.**

Унда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оналик ва болалик муҳофазаси масалаларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши депутатлар, ҳуқуқшунос олимлар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, мамлакатимиздаги етакчи оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан кенг муҳокама қилинди, таклиф ва истаклар билдирилди. Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда хотин-қизлар фаолияти, олиб борилаётган кўламли ишлар ҳақида жамоатчиликни ўз вақтида хабардор этиш билан бирга ечимини кутаётган муаммолар, камчиликлар ҳақида чуқур, таҳлилий ёндашилган мақолаларни ҳам эълон қилиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Шоира Умарова ва бошқалар иштирок этишди.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

# МАШҚДА ҚИЙИН БЎЛСА...

**Ўртачирчиқ туманида вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан табиий офатлар ва техноген хусусиятидаги фалокатли ҳолатларда махсус гуруҳлар ва аҳоли ҳаракатларини мувофиқлаштириш жараёнларини пишиқлаштиришга бағишланган штаб-қўмондонлик машқлари якунланди.**



Бу кўламли машқлар амалда минтақада юз бериши мумкин бўлган барча турдаги фавқулодда ҳолатларни қамраб олди. Масалан, биринчи куни ер силжишлари оқибатида Тошкент денгизининг қуйи қисмидаги бир қатор қишлоқларда сув босиш хавфидан сақлаб қолиш ва қутқариш ишларини олиб бориш бўйича машқлар ўтди. Транспорт воситалари шошилинч сафарбар этилди, одамлар огоҳлантирилди ва улар хавфсиз жойларга олиб чиқиб кетилди. Барча тадбирлар аниқ ва жадал бажарилди. Кейин нефть маҳсулотлари омбори ва пахта тозалаш заводида «бошланган» ёнғинни ўчириш бўйича машқлар ўтказилди.

— Бундай машқларни ўтказиб туриш ниҳоятда муҳим, — деди вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси раҳбар кадрлар ва аҳолини қайта тайёрлаш марказининг раҳбари Ҳусниддин Аълоев. — Улар турли таркибларнинг фавқулодда вазиятлардаги ҳаракатларини уйғунлаштиришга ёрдам беради, фалокатларнинг олдини олишга ўргатади.

Иккинчи кунги машқлар ҳам мураккаб бўлди. Тўйтепада банк биносини «террорчилар» эгаллаб, жуда кўп кишиларни «гаровга олишганди». Ички ишлар идораларининг бўлинмалари пухта ишлаб чиқилган операцияни яшин тезлигида амалга ошириб, «террорчилар»ни зарарсизлантиришди. Ўт ўчирувчилар бинода бошланган «ёнғин»ни ўчиришга киришишди. Шифокорлар қуролли олишув ва ёнғиндан зарар кўрганларга шошилинч ёрдам кўрсатишди.

Бу машқлар қутқарувчилар ҳар қандай ҳолатларда дадил ҳаракат қилишга тайёр эканлигини тасдиқлади.

**Сергей МУТИН.**



**СУРАТЛАРДА:** машқлардан лавҳалар.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

# «ҲЕЧ КЎРМАЙЛИК ЁМОНЛИК»

***«Буғдой ёйдим — омонлиқ-сомонлиқ, Буғдой ёйдим — ҳеч кўрмайлик ёмонлик».***

Бу йил ҳам номданакли Асл момо яхши ният билан сумалак пишириш ҳаракатини жуда эрта бошлади.

Номданак қишлоғида Наврўз одатдагидан ўзгача нишонланади. Тўйга тўёна билан деганларидек, Наврўз арафасида шу вақтга қадар қишлоқ врачлик пункти таркибига кирган тиббий тез ёрдам хизмати фаолиятини алоҳида тармоқ сифатида бошлади.

Бундан ташқари, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган иккита сартарошхона, битта савдо дўкони, битта кийим тикиш бўлими ҳамда маиший хизмат бинолари ишга туширилди.

— Шу вақтга қадар қишлоқнинг Навоий кўчасига 2000 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Марказий кўчадаги уй ва хонадон деворларини оқлашга киришилган, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Зоир Пирназаров.

Фермерлар билан ҳамкорликда 1650 метр ариқ тозаланиб, тахт қилиб қўйилди. Чиқиндиларни йиғиш мақсадида агрофирма томонидан машина ташкиллаштирилиб, маҳаллаларга бириктирилди.

Қишлоқнинг янги уй-жой қурилаётган ҳудудидаги 200 метр йўлга шағал ташланди. Саид ота гузаридаги янги 13 хонадонга 500 метр электр тармоғи тортилди.

**Шаҳноза ШОЖАЛИЛОВА, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси.**

## Қарор ва ижро

# ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИДАГИ ЯНА БИР ЯНГИЛИК

**Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, автомобиль транспортида йўловчи ташиш фаолиятини тартибга солиш, транспорт хизмати кўрсатиш сифатини оширишга доир ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 ноябрда қабул қилинган "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида 2007 йил 1 январдан бошлаб ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан фойдаланиши тақиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 6 мартда қабул қилинган "Транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

– Мазкур қарорга мувофиқ, 2007 йил 1 июлдан бошлаб конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракатланиб бораётганида ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан мажбурий фойдаланиш жорий этилади, – деди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бўлими бошлиғи Анвархўжа Сулаймонхўжаев. – Хавфсизлик камаридан фойдаланиш ҳаракатланиш чоғида ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлигини таъминловчи восита бўлибгина қолмай, уларнинг йўлдаги хушёрлигини янада оширишга хизмат қилади. Транспортда хавфсизлик камарини боғламай ўтириш эса транспорт ҳодисаси содир бўлганда ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳар томонга урилиб, тан жароҳати олишига ёки шунга ўхшаш бошқа аянчли ҳолатлар содир бўлишига олиб келади. Таҳлилларга кўра, умумий жароҳат олаётганларнинг 10 фоизи автомобиллар иштирокида содир этилаётган авариялар билан боғлиқ. Оғир оқибатга олиб келаётган жароҳатларнинг 60-80 фоизининг сабаби ҳам шу.

Мутахассислар фикрича, транспортда хавфсизлик камарини тақиш йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда инсоннинг, айниқса, бош мия, кўкрак қафаси жароҳатланишининг олдини олади. Шунинг учун дунёнинг деярли барча давлатларида хавфсизлик камаридан фойдаланиш қонуний меъёр сифатида қабул қилинган.

Эндиликда ҳукуматимизнинг номи қайд этилган қарори асосида "Йўл ҳаракати қоидалари"га тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди ва бу жорий йилнинг 1 июлидан кучга киради. Жумладан, конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситаси ҳаракатланиб бораётганда ҳайдовчи хавфсизлик камари тақиб олиши ва хавфсизлик камарлари тақилмаган йўловчиларни ташимаслиги шарт.

Орқа ўриндиқдаги 12 ёшгача бўлган болалар, транспорт воситасини ҳайдовчиликка ўқиётган ўқувчи бошқараётганда бошқаришни ўргатаётган шахс, ҳомиладор аёллар, саломатлиги хавфсизлик камари тақиш имконини бермайдиган беморлар, орқага ҳаракатланаётган ҳайдовчилар, аҳоли пунктларида ҳаракатланишда – йўналиш таксилари ҳайдовчилари, таксининг орқа ўриндиғидаги йўловчилар, аҳоли пунктларида – ташқи қисмига тегишли рангли график схемалар чизилган махсус транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчиларига хавфсизлик камари тақмасликка рухсат берилади.

Мотоциклни бошқараётганда ҳайдовчи тугмаланган махсус бош кийими кийиши ва тугмаланган махсус бош кийими киймаган йўловчиларни ташимаслиги керак.

Транспорт билан боғлиқ ҳар бир ҳаракат, ҳар бир ҳолат нафақат шу транспортни бошқараётган шахсга, балки унинг ён-атрофидагиларга ҳам тегишлидир. Кимнингдир айби, хатоси, эътиборсизлиги, бепарволигининг жабрига бошқа бировлар қолмаслиги керак. Шундай экан, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш барча учун фойдали.

**Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.**

# ЯРМАРКА КЎМАГИ

**Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш, айниқса, аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш масаласига катта аҳамият берилмоқда.**

Ана шу мақсадда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ўтган йили 87 марта меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Уларда қарийб бир ярим мингта корхона ва ташкилот ўн мингга яқин бўш иш ўринлари билан қатнашди. Мазкур ярмаркаларда мингга яқин аёл ва икки мингга яқин йигит-қиз иш билан таъминланди.

Жорий йилдаги биринчи ярмарка ҳам самарали ўтди. Унда ўндан ортиқ корхона ва ташкилот талабгорларга юзга яқин иш ўрни таклиф этди. Қарийб ўттиз нафар фуқаро иш билан таъминланди.

**ЎзА.**

## Яна тўловлар ҳақида

# ҚАРЗДОРЛИК

**Унинг оқибатида давлат бюджети зарар кўрмоқда, коммунал хизмат кўрсатиш тизими оқсамоқда**



Қамбархон Мусаев Зангиота туманининг Назарбек қишлоғида кўп йиллардан бери гулчилик билан шуғулланиб келаётир. Хонадонидаги 4 сотихлик иссиқхона оиланинг асосий даромад манбаи. Бироқ, Мусаевнинг назарида даромаддан кўра буромад кўпайиб кетаётгандек туюлаверди. Сўнгра сарф-харажатларни қисқартириш пайига тушди. Қарасаки, табиий газ учун бир ойда катта миқдорда пул тўланаётир. «Газдан ноқонуний фойдаланаётганлар озми?» деган ўйда ўлчагични панароқ жойга яширди.

— Бу истеъмолчимиз 35 кун мобайнида 6 минг 149 куб метр табиий газдан ноқонуний фойдаланган, — деди «Зангиотатумангаз» филиали ходими Умид Йўлдошев. — Унинг қарзи 223 минг сўмдан ошган бўлса-да, тўлашни хаёлига ҳам келтирмаётир. Кетма-кет огоҳлантиришимизга қарамай, қарзни ундиришга эришолмадик.

Афсуски, Қамбархон Мусаев сингари коммунал хизматлардан қарзини ўз вақтида узишни пайсалга солиб келаётганлар Зангиота туманида кўплаб топилади. Уларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари сабаб туман миқёсида газ таъминоти бўйича аҳолининг умумий қарзи 400 миллион сўмга етди. Шундан 78 миллиони муддати ўтган қарзлар ҳисобланади. Шу боис «Зангиотатумангаз» судга даъво аризалари билан мурожаат этди ва шу тариқа сайёр суд мажлислари ўз ишини бошлади.

Жадвал бўйича туманнинг Назарбек ҳамда Иттифоқ қишлоқ фуқаролар йиғинида сайёр судлар ўтказилиши белгиланган эди. Лекин бу ерда қизиқ ҳолатга дуч келинди. Мажлисга туман фуқаролик ишлари бўйича суд раиси, прокуратура, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вакиллари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда фаоллар жамулжам бўлишса-да, асосий иштирокчи «даъвогар» ташкилотдан бирон вакилнинг дараги бўлмади. Газ идорасининг масалага бундай масъулиятсиз ёндошганлиги боис жавобгарларнинг ҳам келиши таъминланмади. Натижада судни бир кунга кечиктиришга мажбур бўлинди. Савол туғилади: қарздорликни бартараф этишдан ким кўпроқ манфаатдор? «Зангиотатумангаз» идорасими ёхуд суд, прокуратура органларими?

Шу куни Назарбек қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилиши режалаштирилган суд мажлисида 68 та иш кўрилиб, 8 миллион 115 минг сўмлик қарз ундирилиши кўзда тутилган эди. Иккинчи ҳудудда 103 та ишни судда кўриб чиқиш белгиланган эди.

Чиғатой-Оқтепа қишлоқ фуқаролар йиғинида эса, сайёр суд мажлиси ўз вақтида ва талаб даражасида ўтганлигини таъкидлаш жоиз. Суд давомида 20 га яқин ишга оид ҳужжатлар кўриб чиқилди. Айрим жавобгарлар қарзларини нима учун тўламаётганликларини турли баҳоналар билан хаспўшлашга ҳаракат қилишди. Ҳаттоки, қарзларини тан олмаганлар ҳам топилди. Шундай бўлса-да, суд ўз сўзини айта олди.

Қишлоқнинг Аҳмад Яссавий маҳалласида яшовчи Абдуманноп Мирзаев ҳам хонадонидаги иссиқхона орқасидан тирикчилик қилиб келарди. Шундай бўлса-да, коммунал хизматлар учун пул тўлаш малол келди, чоғи, табиий газдан фойдаланишга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирмади, ўлчагич ўрнатишни пайсалга солиб келди. Суд давомида у барча қилган хатти-ҳаракатларини тан олди.

— Ҳисобли дўст айрилмас экан, — дейди Баҳор кўчаси 10-уйда яшовчи Марҳабо Норматова. — Газдан қарзимиз 5-10 минг сўм бўлганида, эътиборсизлик қилгандик. Бунинг оқибатида қарзимиз 100 минг сўмга етиб қолибди. Маҳалладошлар орасида изза бўлмайлик деб, кўчма касса орқали қарзни тўладик. Бундан кейин коммунал хизматлар ҳақини вақтида тўлашга одатланамиз.

Фахриддин Тўрахонов (419 минг сўм), Нишонбой Иброҳимов (153 минг сўм), Шавкат Одилов (137 минг сўм), Саидумар Олимов (117 минг сўм), Шокир Хаиталиев (114 минг сўм) каби фуқаролар ҳам суддан тўғри хулоса чиқаришди. Улар мавжуд қарзларини тез кунда тўлашга, келгусида бундай ҳолат қайтарилмаслигига сўз беришди.

— Ҳудудимиздаги 4 та маҳаллада 6 минг аҳоли яшайди, — дейди Чиғатой-Оқтепа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Миркамол Жўраев. — Уларнинг газ бўйича қарзи 70 миллион сўм, электр энергияси бўйича 15 миллион сўм атрофида. Қарздорликни бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида кунига 1 миллион сўмдан ортиқ тўлов пули тушяпти.

Шунингдек, жадвал бўйича туманнинг Ўртаовул, Бўзсув, Эркин ҳамда Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам белгиланган тартибда суд жараёнлари ўтказилди.

Чирчиқ шаҳридаги сайёр суд мажлиси 13-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди. Унда 2- ҳамда 4-маҳаллаларда истиқомат қилувчи коммунал хизматлардан қарзи бор фуқароларга нисбатан қўзғатилган ишлар кўриб чиқилди. Суд жараёни давомида 5 нафар жавобгар судга қадар ўз қарзларини тўлаганликлари ҳақида кўрсатма беришди. Қолган истеъмолчилар ҳам қарзларини тан олиб, уни узишларини маълум қилишди.

Чирчиқ шаҳар туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг раиси Азизхон Муҳиддиновнинг маълум қилишича, ўтган 2 ой мобайнида «Чирчиқгаз» идораси томонидан қарздор фуқароларга нисбатан 1144 та даъво аризаси киритилган. Тез кунларда булар «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими, маҳалла қўмиталари раислари ва фаоллари билан биргаликда кўриб чиқилади. Шунингдек, жавобгарлар қарзларини ўз вақтида тўламасалар қарзнинг қонун бўйича белгиланган устама (пеня) ҳақи ҳамда давлат божи мажбурий ундирилиши ҳақида огоҳлантирилди.

**Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# ДИҚҚАТ, КИМОШДИ САВДОСИ!

**Оққўрғон туманидаги «Охунбобоев» ширкат хўжалиги тарқатиш комиссияси томонидан кимошди савдосига қўйилган мол-мулклар рўйхати**

| Мол-мулклар номи | Счет рақами | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Бошланғич баҳоси |
|---|---|---|---|---|
| 1. Сабзавот омбори | 01 | дона | 1 | 2887824 |
| 2. Сабзавот омбори | 01 | дона | 1 | 2887824 |
| 3. ЭҲМ Агат | 01 | дона | 1 | 73719 |
| 4. Вагон-уй | 01 | дона | 1 | 506423 |
| 5. Асал сиқиб олиш ускунаси | 01 | дона | 1 | 191826 |
| 6. Сиғимли идиш (3 тонна) | | дона | 1 | 1191468 |
| 7. Сиғимли идиш (5 тонна) | | дона | 1 | 2249456 |
| 8. Шкаф, музлатгич | | дона | 1 | 47803 |
| 9. Фермадаги яшаш тураржой уйлари | 01 | | 1 | 3479760 |
| 10. От-арава | 01 | дона | 1 | 43234 |
| 11. Ферма электр тармоғи | 01 | км | 2 | 782523 |
| 12. Ферма электр тармоғи | 01 | дона | 234 | 1589255 |
| 13. Ферма иморат иншооти | 01 | сўм | х | 47506582 |
| 14. Қорамоллар | 01 | бош | 18 | 9841642 |
| 15. Ёш моллар | 01 | бош | 9 | 336874 |
| 16. "Кир-1,5" косилкаси | 01 | дона | 1 | 634380 |
| 17. Ротор косилкаси | 01 | дона | 1 | 634380 |
| 18. Т-28х4 трактори | 01 | дона | 1 | 2086568 |
| 19. Тиркама | 01 | дона | 1 | 1114162 |
| 20. Валакушка | 01 | дона | 1 | 230846 |

2007 йил 6 мартдан 16 мартгача кимошди савдосига берилган эълон бўйича аризалар ва 10 фоизлик кафолат пулини қабул қилиш муддати 6 апрель соат 17.00 гача узайтирилди.

Кимошди савдоси 9 апрель соат 10.00 да хўжаликнинг бошқарув идорасида ўтказилади.

**Қайта ташкил қилиш комиссияси.**

# МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР ФЕСТИВАЛИ

**Мамлакатимизда Наврўз шодиёналари давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналарга садоқат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш мақсадида "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар" лойиҳасини амалга оширмоқда.**

"Халқ қўшиқ ва ўйинлари", "Сумалак – етти малак", "Миллий кураш", "Варраклар сайли" каби бир неча бўлимдан иборат мазкур лойиҳа доирасида ташкил этилаётган баҳор неъматлари ва миллий таомлар кўриги, деворий газеталар танлови, ғазалхонлик кечалари, мушоиралар, спектакллар, концерт дастурлари ва қизиқчилар танловлари ёш истеъдодларни излаб топиш, уларнинг ўз иқтидорини намоён этишига кўмаклашиш, ёшларни табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан пойтахтимизда ўтказилган ана шундай тадбирда ҳаракатнинг жойлардаги фаоллари, талаба ва ўқувчилар, фестивалнинг дастлабки босқичларида фаоллик кўрсатган йигит-қизлар қатнашди.

Иштирокчилар ўнта шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Дастурхон тузаш, шарқона либослар, Наврўз байрами ва юртимиз тарихига оид лавҳалар, ёшлар ташкилотлари сардорлари ва етакчилари томонидан жойларда фестиваль доирасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан қизиқарли чиқишлар намойиш этилди.

Маҳалла ва мактабларда ўтказилаётган бундай тадбирлар кўламини янада кенгайтириш, фестивалга ёшларни кенгроқ жалб этиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга ёрдам бериш, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлашда миллий ўйинлар фестивалининг ролини янада кучайтириш хусусида фикрлашилди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт



# ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ ЕТАРЛИ

**Ўзбекистон олимпия терма жамоаси "Пекин – 2008" йўлланмасини қўлга киритиш учун навбатдаги саралаш баҳсини сафарда Жанубий Корея терма жамоасига қарши ўтказди.**

"F" гуруҳидаги учинчи баҳсда терма жамоамиз майдон эгаларига 2:0 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Энди юртдошларимиз гуруҳнинг навбатдаги учрашувини 18 апрель куни Тошкентда Жанубий Корея термасига қарши ўтказишади. Уч учрашувдан сўнг терма жамоамиз 6 очко билан иккинчи ўринни банд этиб турибди. Жанубий Корея футболчилари эса, ҳозирча 9 очко билан гуруҳ пешқадамлигини ушлаб туришибди. Эслатиб ўтамиз, гуруҳда биринчи ва иккинчи ўринни қўлга киритган жамоа кейинги босқичга йўллана олади.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**«Туркистон-пресс».**

**Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан хотин-қизлар ўртасида ўтказилган "Mumbai – 2007" халқаро теннис турнирида Оқгул Омонмуродова мусобақанинг мутлақ ғолибаси бўлди.**

# ОҚГУЛНИНГ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ

Бош соврин учун ўтказилган беллашувда ўзбекистонлик ракетка устаси Швейцариядан келган Стефани Воегелега қарши кортга чиқди. Муҳим беллашувда рақибасидан ҳар томонлама устунлигини намойиш қилган Оқгул Омонмуродова ўйинни 6:0, 7:5 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

**ЎзА.**

**Футбол бўйича Ўзбекистон XVI миллий чемпионатининг биринчи лигасида иштирок этаётган жамоалар дастлабки тур учрашувларини ўтказди.**

# КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛДИ

Мусобақанинг илк беллашувларидаёқ жамоалар мавсумга пухта тайёргарлик кўргани маълум бўлди. Чунки, ўтказилган саккиз учрашувдан бештасида дуранг натижа қайд этилди ва бу жамоаларнинг кучи, савияси тенглашиб бораётганидан, совринли ўринлар ва олий лигага бериладиган йўлланмалар учун кураш қизғин ўтишидан далолатдир.

Бир неча йилдан буён олий лигага чиқиш учун даъвогарлик қилаётган "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" (Олмалиқ) жамоаси ўз майдонида Яйпаннинг "О. Акбаров" жамоасини енголмади. Гарчи мезбонлар Ш. Марасулов ва Н. Умархонов томонидан киритилган голлар эвазига икки тўп фарқи билан ҳисобда олдинда бораётган бўлса-да, "О. Акбаров" жамоаси вакилларидан О. Худойбердиев ва А. Иброҳимов жавоб тўпларини киритиб, вазиятни тенглаштирди – 2:2.

Яна бир дебютант – Тошкентнинг "Локомотив-БФК" жамоаси "Кимёгар"дан (Чирчиқ) очко олишга муваффақ бўлди. Қизиқарли ўтган учрашувда ҳисобни чирчиқлик футболчилар очди – 84-дақиқада У. Абдуллаев ҳакам томонидан белгиланган пенальтини аниқ бажарди. Лекин меҳмонларга ғалаба қозониш насиб этмади. Сўнгги дақиқада С. Андреев аниқ зарба йўллаб, вазиятни тенглаштирди – 1:1.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# МАЙДОНДА АЁЛЛАР

**Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуида футзал бўйича хотин-қизлар ўртасида мамлакат III чемпионатининг сўнгги тур учрашувлари якунланди.**

Бу йилги мусобақада амалдаги мамлакат чемпиони – "Севинч" (Қарши) футзалчилари яна олтин медалга сазовор бўлди. Қаршилик футзалчи қизлар "Олимпик"ни (Тошкент) 9:1, асосий рақибларидан "Строитель"ни (Зарафшон) 7:3, "Андижанка"ни (Андижон) 5:2, "Амин-Инвест"ни (Самарқанд) 2:0, "Ёшлик"ни (Бухоро) 15:3 ҳисобида мағлубиятга учратди.

# УЧИНЧИ МАРТА ЧЕМПИОН

**Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуида футзал бўйича мамлакат XI чемпионатининг сўнгги босқич учрашувлари бўлиб ўтди.**

Бу йилги мусобақада Тошкентнинг "Ардус" жамоаси чемпионлик унвонини муносиб ҳимоя қилди ва кетма-кет учинчи маротаба олтин медални қўлга киритди.

Шундай қилиб, 94 очко жамғарган "Ардус" футболчилари чемпионатни мусобақа жадвалининг биринчи поғонасида якунлади. Кучли учлик 76 очко эгаси – "Строитель" ва 61 очко тўплаган "Строитель-ПЭМ"дан ташкил топди.

# БЕҲАЛОВАТЛИКНИ ҲУЗУР ДЕБ БИЛГАН ОДАМ

## Олим ва ёзувчи Аъзам Азимий билан мулоқот



**— Болалигингиз Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги оғир йилларга тўғри келган. Лекин шунга қарамай, бугун техника фанлари доктори, профессор, ёзувчисиз. Қандай қилиб...**

— Ҳа, болалигим кўп тенгқурларим қатори оғир ва ташвишли кечган. Аммо соғлом, синчков ва ҳар нарсага қизиқувчан бўлганлигим боис яратувчилик хислати болалигимданоқ қалбимда куртак отган эди. Қоғоз тақчил пайтида тўрт ёшли боланинг уй деворларига чизиб ташлаган расмларини кўрган катталар келажакда улуғ рассом бўлишимни башорат қилишса, бошқа бировлар ҳовлининг ҳар ер-ҳар ерида кавлаб ташланган оғзи кичик, чуқур қудуқчаларни кўриб, гўрков бўлишимга шама қилишарди. Шундайлар ҳам бор эдики, ҳали мактаб бетини кўрмаган гўдакнинг баъзи шўхликларини кўриб, улғайганда донғи чиққан ишкалчи бўлишимга ишонишган. Фақат биргина одам менинг келажагимни тўғри кўра олган, ўзига хос изланишларим, интилишларимни тўғри баҳолай олган. Бу — Абдулҳай тоғам эдилар. У киши кўчакўйда туртилган жиянини бағрига босиб: «Бу бир кун профессор бўлиб, ҳаммани қойил қолдиради, сизларни эса уялтиради», деганлар.

Тоғамнинг гапларига фаришталар «Омин!» деб юборган бўлса ажаб эмас. Энди ўн иккига тўлган пайтимдаги илк ихтироим Тошкент компрессор заводидаги пўлат қуйиш цехида амалда қўлланила бошлади.

**— Демак, темир-терсакка ўч ўша пайтингизда ёзувчилик масаласи хаёлингизга ҳам келмаган, шундайми?**

— Йўғ-е, нега энди. Шоир Ғайратийнинг «Адабиёт» тўгарагига аъзо бўлган пайтимда пьесам «Ёш томошабинлар театри»да саҳнага қўйилди. Ҳикояларим матбуотда чоп этилди.

Ўрта мактабни битирганимда, Ғайратий домла билан ўртамизда шундай қисқа суҳбат бўлиб ўтди:

— Сиз ҳам университетнинг филология факультетига кирсангиз керак?

— Йўқ, домла! Мен кончилик институтига кираман. Ер қаърида нималар бўлишига жуда қизиқаман.

— Адабиёт-чи?

— Адабиёт шунчаки ҳавас эди.

**— 12 ёшида қилган ихтироси амалда қўлланилган, болалигидаёқ пьесаси театрда қўйилган Аъзам Азимийнинг бирдан кон муҳандиси бўлиб қолиши ҳам саргузаштларсиз кечмагандир.**

— Сиз биласизми, йўқми, машҳур Ўрол илмий мактаби бўларди. Мен ўша мактаб тарбиясини олганман. 27 ёшимда техника фанлари номзоди, кейин эса «Вертолётларнинг осма юк билан учиш динамикаси» мавзусидаги назариямга фан доктори илмий даражасини беришди. Ихтироларим ва илмий мақолаларим билан бутун мамлакат ва чет эл олимлари ўртасида тез шуҳрат топдим. Антонов, Яковлев, Братухин, Миль ва Камовдек машҳур авиаконструкторлар мени «Осиёлик вертолётчи» деб атаганлар. Канада ва АҚШ, Франция ва Германия вертолётчи олимлари мен билан ҳамкорликда иш олиб боришди. Олтмишдан ортиқ вертодромлар қуриб бердим. «Вертолётларни қуришда асосий тактик талаблар», «Келажакда вертолётларнинг қиёфаси» асарларимда илмий асосланган кўплаб таклифларим энди-энди чет эл вертолётсозлик саноатида рўёбга чиқмоқда.

**— Кучли туғма иқтидор эгалари ҳамма ерда, ҳамиша қадрланган. Сизнинг ҳам «ўз соҳасининг пири» бўлиб етишишингизда яратиб берилган шарт-шароитлар...**

— Шуниси қизиқ-да. Мен 150 дан ортиқ фундаментал илмий асарларимни ёзишда, 40 га яқин ихтироларимни яратишда доимо ёлғиз, давлатдан маблағ олмай, ўз ҳисобимга, дамсиз кунлар, уйқусиз тунлар ҳисобига, таътилга чиқмай, ўзимнинг гаражимда, дала ҳовлимдаги ҳужрамда, балконда ижод қилганман, синовлар ўтказганман. Россиянинг шимолидаги табиий шароити ўта мураккаб конларни ўзлаштиришда вертолётлардан фойдаланишнинг илмий асосларини яратиб, деярли чорак аср давомида Арктика ўлкаларида, Тюмену Сургутда, Надиму Норильскда, Сахалину Камчатка оролларида яшаб, сафарларда бўлиб, амалий ишларга раҳбарлик қилдим, вертолётларда минглаб соат учиб, хатарли синовлар ўтказдим...

**— Ёшлигингизданоқ бутун вақтингиз тоғу тошда кечган экан, қизиқ, оила қуриш, турмуш масалалари...**

— Эшитинг. Саволингизга Тюмень вилоятининг ўша пайтдаги раҳбари Алтунин билан бўлган суҳбатимиз орқали жавоб бермоқчиман:

— Сибирни ўзлаштириш тарихига номингни олтин ҳарфлар билан ёзадиган бўлдик.

— Йўқ! Менинг ўрнимга хотиним Азизахоннинг номини ёзсаларингиз тўғри бўлади. Чунки у менинг моддий томондан оғир ҳаётимга ҳам, тинимсиз сафарларимга ҳам, хатарли синовларимга ҳам бардош бера олган, мени интизорлик билан кута олган улуғ аёл!

**— Шунча суҳбатлашдиг-у, ҳузур-ҳаловатли кунларингиз ҳақида бир оғиз гапирмадингиз.**

— Мен қайноқ, аммо куйдириш ўрнига тоблаган, беҳаловат, айни вақтда ҳузур бағишлаган ҳаётимдан асло нолимайман. Шуни мамнуният билан айтаманки, юртимиз мустақиллиги ҳаётимга сокинлик, хотиржамлик бахш этди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун умримни тикиб яратган суюкли илмий ишларимни ташлаб, республикамизнинг экологик тизимига ўтдим. Конлар экологиясининг давлат назорати бошқармасини тузиб, ўн йилча унга раҳбарлик қилдим. «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуннинг шаклланишида фаол қатнашдим, унинг амалда яхши ишлашини ташкиллаштиришга ҳисса қўшдим. Мамлакатдаги 800 га яқин конларнинг экологик шароитини аниқлаб, уларни назорат қилиш тартибини яратдим. 127 кончилик корхонасининг асосий лойиҳаларини ишлаб чиқдим...

**— Мана, ёшингиз 70 га борибди, пенсияга чиққанмисиз ёки ҳалиям...**

— Пенсияга чиққанман. Лекин шундан кейин ҳам қатор ихтиролар яратдим. Денгизларга тўкилган нефтларни сув тубига чўктириб юборувчи йигирмадан ортиқ каогулянт турлари, кўрфазлару портларда сув бетидаги мойларни сўриб олувчи беш хил сорбентлар, ерга тўкилган нефтни йиғувчи махсус кукун, қум кўчкиларини тўхтатувчи ревгент, суғориш каналларида сувнинг ерга сизиб кетишини тўхтатиш усули, томлардан чакка ўтишига қарши мастика, рубероидларнинг ўнлаб йилларга чидамли турларини ихтиро қилдим. Уларнинг кўпи Давлатлараро махсус комиссия томонидан юқори баҳоланди, Хитой ва Канада, Россия ва Қозоғистон, Жазоир ва Италия мамлакатлари мутахассисларининг эътиборига тушди.

**— Сизни ҳеч ким етмишга кирган демайди, ҳали қиличдексиз. Дарвоқе, ёзувчилик нима бўлди? Ёки ўзингиз айтганингиздек, ёшликдаги шунчаки ҳаваслигича қолиб кетдими?**

— Йўғ-е, ихтиролардан сал бўшаб, дам олган пайтларимда бадиий ижод билан ўзимни овутиб келганман. Ҳозир ҳам шундай. Республика матбуотида эълон қилинган «Бобурийларнинг жавоҳирлари», «Сирли сиртмоқ», «Сирли гавҳар», «Мутлақо махфий», «Шоҳи Зинда мақбарасининг сирлари», «Фалак қудрати», «Ёқут тош фожиаси», «Мен келтирган касофат» каби қиссаларим, «Сир тутилган фожиа», «Муҳаббат қасри», «Нидо» каби ҳикояларим барча ёшдаги ўқувчиларга манзур бўлган, яхши таассурот қолдирган. Улуғ мутафаккирларимиз Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Нассавий, Коперник, Жордано Бруно, Ланжевен, Нильс Абель каби буюк алломалар мураккаб ҳаётининг ибратли жиҳатларини ёритувчи ҳикоя ва эсселарим ёшларни ҳам илмий, ҳам бадиий ижоднинг номаълум, серзавқ ва сирли сўқмоқларига етаклашига умид қиламан.

Бу сафар ҳам таҳририятингизга қуруқ қўл билан эмас, яқинда ёзиб тугатган саргузашт қиссам билан келдим. Агар ўқиб кўриб, «Тошкент ҳақиқати» муштарийларига манзур бўлади деган хулосага келинса, чоп этилар.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.**

## Мулоҳаза

# «ҚЎРҒОН»МИ ЁКИ «ШАҲАРЧА»?

**Оммавий ахборот воситаларида, катта-кичик давраларда «Эшонгузар қўрғони», «Искандар қўрғони» сингари номланишларни ҳар куни ўқиб, эшитамиз. Очиғи, ғаши келади, кишининг. Беихтиёр савол туғилади: хўш, «қўрғон» дегани нима ўзи? Муомалада бот-бот қўлланилаётган бу сўзнинг маъноси нима?**

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, тезкор саноатлашиш жараёнида, кейинги 60-70 йил мобайнида Ўзбекистонда ўнлаб янги аҳоли истиқомат жойлари пайдо бўлди. Ўша давр тамойилига биноан улар русча «поселение» сўзи замиридан келиб чиқилиб, «посёлка» деб атала бошланди.

Мамлакатимизда миллий уйғониш палласи бошлангач, кимдир уни ўзича ўзбекчага ўгириб, «қўрғон» дейиш таклифини киритди. Эндиликда ушбу атама истеъмолимизга сингиб боряпти. Лекин бу ўринлими? «Қўрғон» сўзи «Посёлка»нинг маъносини тўғри, тўла ва мукаммал бера оладими?

Қадим-қадимлардан халқимиз «қўрғон» деганда одатда бир оила, жилла қурса, бир авлод яшайдиган, теварак-атрофи девор билан ўралган ҳовли-жойни тушунган. Ўша замонларда одатда қўрғон уй-айвонларни, омборларни, молхоналарни ўз ичига олган. Ўтган асрнинг эллигинчи йилларигача шу маънода қўлланилган. Масалан, ҳозирги Зангиота туманининг маркази — Эшонгузарда «Мирбуваканинг қўрғони» сингари ўнлаб қўрғонлар бўлганлигини яхши эслаймиз.

Бироқ, бугунги Эшонгузарни ўша «қўрғонлар»га қанчалик яқинлиги бор? Уларнинг бирини иккинчисига асло муқояса қилиб бўлмайди. Бугунги Эшонгузар адл кўчалар бўйлаб, кўркам иморатлар жойлашган, алоқа, саноат, хизмат кўрсатиш инфратузилмаси шаклланган замонавий шаҳарча. Унда юзлаб хонадонлар бор, ўнлаб миллат фарзандлари яшайди.

Шундай экан, ўша «посёлка» сўзини кўр-кўрона «қўрғон» деб ўзбекчалаштириш мантиққа тўғри келадими? Ахир, бугунги Эшонгузар барча замонавий жиҳатларга эга шаҳарча эмасми? «Қўрғон» атамаси жадал янгиланиб бораётган давр руҳига тўғри келадими? Жамият аъзоларининг маънавий эҳтиёжларига жавоб берадими?

Асло. Биз атамаларни қабул қилишда маданий-маънавий ҳаётимиз тақозосини, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлардаги ўзгаришларни, албатта, ҳисобга олишимиз, бугунги кун ва истиқбол талабларидан, фан-техника, умуман жамият тараққиёти қонуниятларидан келиб чиқишимиз керак.

Шу муносабат билан бошқа баъзи атамаларни ҳам ўйлаб кўриш вақти келди. Мен бу ўринда «тайёра», «тайёрагоҳ» сингари атамаларни назарда тутаяпман. Жаҳон тилларининг бири-бирини бойитиш тамойили, илмий-техника тараққиёти қонуниятлари асосида ўтган асрда тилимизга кириб келган «самолёт», «аэропорт», «командир», «пальто» сингари сўзларни ўзбекчалаштиришга уриниш кулгили эмасми, ахир? Бу Ойбек домланинг «Сароб» романида тасвирланган ҳолатларнинг айнан такрорланиши эмасми?

Ҳа, атамалар хусусида асосли, жиддий ўйлаб иш кўриш керак. Акс ҳолда биз «менежер», «маркетинг» сингари сўзларни ҳам ўзбекчалаштиришга тушиб кетамиз. Бунга эса, ҳожат йўқ.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**

## Қатра

# УЧ ТЕРАК СИРИ

Чорвоқдаги дала ҳовлим четида учта терак бир-бири билан яқин, ёнма-ён ўсиб, теракмисан-терак бўлибди. Бир куни разм солсам, ўртасидаги узунроқ, икки четидагилар эса, ундан сал пастроқ. Аммо учовлари ҳамжиҳат, бир-бирларини тўлдириб туришибди. Худди катта опанинг икки ёнида унинг кўксига бош қўйган сингилларга ўхшайди. Синчиклаброқ назар солсам, ўртадаги терак гўё қисилиб қолиб, бемалол шох ёзолмагандай, тепага интилиб ўсаяпти. Икки четдагилар эса, гарчи икки томонга бемалол шох ёзишлари мумкин бўлса ҳам бир томонга қийшайиб, шамолда синиб кетмаслик учун ўртадагига суяниб, ёпишиб ўсишга мажбур бўлишган. Мен бир-бири билан ҳамжиҳат, апоқ-чапоқ деб ўйлаган бу уч терак аслида ҳар бир қулоч жой учун жон-жаҳдлари билан талашишган, рақобат қилишган, ноилож «келишишган».

Ҳа, ҳаёт курашдан иборатлиги рост.

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.**




Агар хамиртурушли хамир сутда эмас, қатиқда қорилса, у янада енгил бўлиб кўпчиб чиқади.

* * *

Балиқни 30 дақиқага қайнатилган сувга солиб, сўнг қуруқ сочиқ билан артиб ташласангиз, осон тозаланади.

* * *

Тухумнинг фақат оқини ишлатиш зарур бўлса, сариғини сувли стаканга солиб қўйиш мумкин. Бундай ҳолда у музлатгичда узоқ сақланади.

* * *

Унни ишлатишдан аввал, албатта, элакдан ўтказиш лозим, бунда ун ҳаво билан тўйинади. Натижада тайёрланган таом енгил, юмшоқ бўлиб пишади.

* * *

Творогли пирогни пишираётган вақтда устида ёриқлар пайдо бўлмаслиги учун уни совуқ духовкага солиб, сўнг оловни ёқиш керак.

* * *

Агар салат ёки винегретга дастурхонга тортишдан бироз аввал лимон пўстлоғини солиб қўйсангиз, улар янада мазали ва хушбўй бўлади.

## Митти ҳажв

# СОАТ СЎРАБ БАЛОГА ҚОЛДИ

Кекса киши билан ёш йигит поездда ҳамроҳ бўлиб қолишди. Бир вақт йигит сўради:

— Амаки, соат неча бўлди экан, айтолмайсизми?

— Айтмайман! — чўрт кесди кекса киши. — Мен сендақаларнинг ҳийласини биламан. Аввал соат сўрайсан. Кейин уйимни суриштирасан. Тураржойимни, телефонимни билиб олгач, бир куни тасодифан бизникида пайдо бўлиб қоласан. Меҳмонхонада жой йўқ экан, бир кун тунагани рухсат беринг, дейсан. Мен кўнгилчанлик қилиб, хўп дейман. Сен уйимизга кириб, бемалол ўтириб оласан. Кейин қизим билан танишасан. Унга турли хил кулгили воқеалардан айтиб бериб, кўнглини оласан. Қизим содда, ишонувчан, сенинг ёлғон ваъдаларингга лаққа учади. Сенга турмушга чиқишга рози бўлади. Кап-катта йигит бўлатуриб, соат олишга қурби етмаган сендек ношуд бола қандай куёв бўлади-ю, қизимни қандоқ боқади? Шуни ўйлаб, сени ўзимга яқинлаштиргим келмаяпти. Тушундингми энди?

Йигит бошида шохи бор одамни кўргандек, бақрайиб қолди.

**ҚАРНОҚЛИ.**

## Рассом хандаси




Шавкат МУЗАФФАР чизган расм.




31 март – 2 апрель кунлари Ўзбекистоннинг тоғли туманларида қор кўчиш, тоғолди туманларида сел келиш хавфи бор.

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 31 март куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб айрим жойларда туман тушади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-7, кундузи 15-17 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10, кундузи 15-20 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли туманларида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлади. Қор кўчиш хавфи бор. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3 даража совуқ, 2 даража илиқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-53-09. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-240. Адади 10183. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

(Т) белгили материаллар - тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40. 2 3 4 5 6